

СУРУНКАЛИ ЮРАК ЕТИШМОВЛИГИ ВА СУРУНКАЛИ БУЙРАК КАСАЛЛИГИ БИЛАН ХАСТАЛАНГАН БЕМОРЛАРДА ЮРАКНИНГ РЕМОДЕЛЛАНИШИ

Алиқулов И.Т., Хайтимбетов Ж.Ш., Абдакимова Б.И.

Тошкент тиббиёт академияси

Калит сўзлар: сурункали юрак етишмовчилиги, буйраклар дисфункцияси, юрак ремоделланиши

Сурункали юрак етишмовчилиги (СЮЕ) - юрак қон-томир касалликларининг энг кенг тарқалган, оғир ва оқибати ёмон бўлган асорати бўлиб қолмоқда. Барча ривожланган давлатларда СЮЕ тарқалиш муаммоси йилдан йилга янада муҳимроқ бўлиб бормоқда. Бу касаллик бемор ҳаёт сифатини кескин ёмонлаштиради ва ўлим ҳолатини 4 мартагача оширади: йил давомида ўлим кўрсаткичи 15% дан 50% гачани ташкил қилади. СЮЕ бор беморларда тўсатдан ўлим ҳавфи кўрсаткичи юрак етишмовчилиги бўлмаганларга қараганда 5 марта юқори бўлади [4,5]. СЮЕнинг клиник симптомлари юзага келгандан сўнг 5 йил ичида тахминан 50% беморларда комбинациялашган терапия олишига қарамасдан ўлим ҳолати кузатилади. СЮЕ бу-мураккаб клиник жараён бўлиб, юрак қон томир тизимининг турли хил касалликлари натижасида ривожланиб, қоринчалар миокардининг систолик ва/ёки диастолик дисфункцияси билан намоён бўлади. Турли хил популяцион текширувлар натижаси шуни кўрсатадики катта ёшли аҳоли орасида СЮЕ тарқалиши 1,5-2%, 65 ёшдан катта аҳоли орасида эса 6-17% ҳолатда учрайди. Хозирги кунда сурункали юрак етишмовчилиги бор беморларда кардиоренал синдром (КРС) муаммоси кенг муҳокама қилинмоқда. СЮЕ белгиларининг кучайиши буйраклар дисфункциясини ривожланиши билан намоён бўладиган юрак ва буйраклар дисфункциясининг ўзаро негатив таъсири исботланган [1,2,3]. СЮЕ ва ЧҚ дисфункциясини эрта аниқлаш, шунингдек бундай беморларни даволашни барвақт бошлаш – юрак етишмовчиликдан ўлимни олдини олишнинг муваффақияти гаровидир [6,8,9]. Диастолик дисфункция одатда систолик дисфункциядан олдин ривожланади ва симптомсиз ЮЕ да кўп ҳолларда диастолик дисфункция белгилари учрайди, шунинг учун диастолик дисфункцияни аниқлаш ЮЕ дастлабки босқичларида ташхислашни, ҳамда уни ривожланишини олдини олиш имконини беради [7,10,11].

Текширув мақсади: Буйраклар дисфункцияси бор СЮЕ билан хасталанган беморларда юрак ремоделланиш жараёнини ўрганиш.

Материал ва текширув усуллари. Миокард инфаркти ўтказган ва СЮЕ

билан асоратланган 40 ёшдан 60 ёшгача бўлган 95 нафар беморлар текширилди. Беморлар Нью-Йорк кардиологлар ассоциацияси (NYHA) классификациясининг СЮЕ функционал синф (ФС)ларига кўра икки гуруҳга ажратилди, ФСни аниқлашда клиник ҳолатни баҳолаш шкаласи (КХБШ) ва олти дақиқали юриш синамаси (ОДЮС) натижаларидан фойдаланилди. 1-гуруҳни NYHA классификациясига кўра СЮЕ ФС IIли 51та бемор ва 2-гуруҳни 44та СЮЕ ФС IIIли беморлар ташкил қилди. Назорат гуруҳини 20та соғлом кўнгиллилар ташкил қилди. Текширувга қандли диабет касаллиги бор беморлар киритилмади. Барча беморларда креатинин (Кр) миқдори аниқланди ва коптокчалар филтрацияси тезлиги (КФТ) MDRD (Modification of Diet in Renal Disease Study) формуласига кўра ҳисобланди. Эхокардиография суратларни тўқима доплер-трансторкал режимда ёзадиган ва қайта ишлайдиги махсус дастур билан жиҳозланган Medison 8000 LIVE (Жанубий Корея) аппаратида ва Америка эхокардиография ассоциацияси (ASE) тавсияларига кўра беморлар ётган ва чапга ёнбошлаган ҳолатда М- ва В-режимда ўтказилди. Бунда чап қоринча охири-диастолик ва систолик ўлчамлари (ОДЎ ва ОСЎ), диастолик ва систолик сфериклик индекси (ИСd ва ИCs), миокардиал стресс (МС) баҳоланди. Охири-диастолик ва систолик ҳажм (ОДХ ва ОСХ), отиб бериш фракцияси (ОФ) Teicholz формуласи бўйича ҳисобланди. Чап қоринча диастолик дисфункциясини баҳолаш учун эхокардиографик текширувда Европа эхокардиография бўйича мутахасислари ассоциацияси ва Америка эхокардиографлари жамияти (2005й) тавсияларига кўра импульс-тўлқинли режимда транзитрал оқим кўрсаткичларидан фойдаланилди, ҳамда эрта диастолик тўлишишни максимал тезлиги (Е), бўлмачалар систоласида тўлишиш (А) ва уларни нисбати (Е/А), миокард изоволюметрик бўшашиш вақти (IVRT, мс), биринчи оқим секинлашиш вақти (ДТ, мс) аниқланди. Текширув натижалари статик таҳлили IBMPC/AT шахсий компютерида ва Microsoft office EXCEL 6.0 дастурида амалга оширилди. Кўрсаткичлар $M \pm m$ кўринишида берилди. Белгилар боғлиқлиги Пирсоннинг чизиқли корреляция коэффициенти ёрдамида таҳлил қилинди. Сифат ва сонли белгиларни баҳолашда Спирмен корреляцион коэффициентидан фойдаланилди. Ишончлилик мезони бўлиб $p < 0,05$ ишлатилди.

Текширув натижалари ва уларни таҳлили. КФТ ни дастлабки кўрсаткичлари СЮЕ II ФС бўлган беморларда $76,4 \pm 19,12$ мл/мин/ $1,73 \text{ м}^2$ ни, III ФС беморларда $66,3 \pm 12,8$ мл/мин/ $1,73 \text{ м}^2$ ни ташкил қилади. Бу беморларда КФТ < 60 мл/мин/ $1,73 \text{ м}^2$ 1-гуруҳ беморларда 29,4 %ни ва 2-гуруҳ беморларда 61,4%ни ташкил қилди ва бу кўрсатмоқдаки касаллик ривожланган сари буйрақлар дисфункцияси яққолроқ намоён бўлмоқда [3].

ОДЮС натижаларига кўра жисмоний зўриқишга толерантлик буйрақлар функционал ҳолатига боғлиқлиги аниқланди ва КФТ ≥ 60 мл/мин/ $1,73 \text{ м}^2$

беморларда $344,6 \pm 21,8$ м, КФТ < 60 мл/мин/1,73 м² беморларда $235,0 \pm 8,24$ метрни ташкил қилди.

КХБШ кўрсаткичларида ҳам бу ҳолат ифодаланди ва КФТ < 60 мл/мин/1,73 м² беморларда $8,1 \pm 0,67$ баллни, КФТ ≥ 60 мл/мин/1,73 м² беморларда $5,6 \pm 0,51$ баллни ташкил қилди.

1-жадвал

СЮЕ бор беморларни буйраклар функционал ҳолатига боғлиқлигига кўра тавсифи (M±SD)

Кўрсаткичлар	КФТ ≥ 60 мл/мин/1,73 м ² бўлган беморлар (n=53)	КФТ < 60 мл/мин/1,73 м ² бўлган беморлар (n=42)
Ёши (лет)	53,42 ± 6,2	55,3 ± 4,8
СЮЕ ФС		
II	36 (70,6 %)	15 (29,4 %)
III	17 (38,6 %)	27 (61,4 %)
СЮЕ давомийлиги (ой)	17,8 ± 4,8	19,5 ± 6,9
ОДЮС (м)	344,6 ± 21,8	237,5 ± 9,4
КХБШ (балл)	5,6 ± 0,51	8,1 ± 0,67 (p < 0,001)
ОФ (%)	49,4 ± 1,88	44,6 ± 2,54
Креатинин (мкмоль/л)	88,8 ± 8,4	124,6 ± 11,3 (p < 0,001)
Коптокчалар филтрацияси тезлиги (мл/мин/1,73 м ²)	75,3 ± 11,7	54,6 ± 5,3 (p < 0,001)

Текширилган гуруҳлардаги беморларни структур-геометрик параметрлари таҳлиллари, жумладан чап қоринча систолик функцияси ва ҳажм кўрсаткичлари кўрсатмоқдаги ФС IIIли беморларда гемодинамик ўзгаришлар яққолроқ намоён бўлган (2-жадвал). Бу гуруҳда ЧҚ дилатацияси даражаси ошиши, ОДХ ва ОСХ ошиши ФС II беморлар билан солиштирганда мос равишда 21,5% (P < 0,001) ва 44,1% (P < 0,001)га ошганлиги кўринди. Шунингдек миокард қисқарувчанлик имкониятини характерлайдиган ОФ ҳам 20,1% (P < 0,001)га пасайганлиги кузатилди.

2-жадвал

СЮЕ ФС II ва III бор беморларда юрак гемодинамикаси кўрсаткичларини ўзгариши (M±m)

	ФС II n=51	ФС III n=44	P
Гемодинамик			

кўрсаткичлар			
ОДЎ, см	5,5±0,1	6,32±0,2	<0,001
ОСЎ, см	4,3±0,1	5,2±0,11	<0,001
ОДХ, мл	162,5±4,36	194,2±3,8	<0,001
ОСХ, мл	88,4±2,6	125,1±9,4	<0,001
ОФ, %	47,1±3,9	36,1±4,1	<0,001
ИСd	0,71±0,01	0,75±0,01	<0,001
ИСs	0,71±0,01	0,81±0,01	<0,001
МС, дин/см ²	151,6±5,5	164,9±4,3	<0,05
Е, см/с	77,21±9,0	69,21±5,0	<0,05
А, см/с	66,12±6,21	73,22±7,12	<0,05
Е/А	1,16±0,05	0,94±0,04	<0,05
DT, мс	198,6±21,45	178,56±19,9	<0,05
IVRT, мс	124,3±14,8	102,4±12,3	<0,05

Миокард инфаркти ўтказилиши натижасида миокардда патологик ремодделаниш жараёни кузатилиб, чап қоринча ўзининг эллипсоид шаклини йўқотади ва сферик шаклга ўтади, бу ўзгаришлар айниқса ФС III беморларда яқолроқ намоён бўлади ва ИСd и ИСs индекслари ФС II беморлари билан солиштирганда мос равишда 6,7% (P<0,001) ва 12,1% (P<0,001) ошади. Чап қоринча миокард ичи босими ошиши натижасида чап қоринча девори зўриқишини ифодалайдиган миокард систолик стресси МС кўрсаткичи ошади ва ФС III беморларда ФС II беморларга қараганда 7,9% (P<0,05) ошиқроқ бўлади.

СЮЕли беморларда юрак ремоделланиш жараёнини ўрганишда буйрак дисфункцияси ва ЭхоКС кўрсаткичлари орасидаги боғлиқлик алоҳида қизиқиш уйғотади (3-жадвал).

3-жадвал

СЮЕ беморлар ФСни буйрак дисфункцияси билан боғлиқлиги ЭхоКС параметрлари (M±m)

Гемодинамик кўрсаткичлар	КФТ ≥60 м ² мл/мин/1,73 бўлган беморлар (n=53)	КФТ < 60 м ² мл/мин/1,73 бўлган беморлар (n=42)	P
--------------------------	--	---	---

ОДХ, мл	172,8±3,6	190,9±4,8	<0,05
ОСХ, мл	97,5±3,5	121,7±1,8	<0,001
ОФ, %	45,8±3,5	42,3±4,7	<0,05
ИСd	0,68±0,01	0,73±0,01	<0,05
ИСs	0,70±0,01	0,74±0,01	<0,05
МС, дин/см ²	140,3±4,9	152,1±5,6	<0,05
Е, см/с	73,6± 4,4	78,9 ± 5,9	<0,05
А, см/с	74,9± 6,1	65,3 ± 6,4	<0,05
Е/А	0,98± 0,04	1,2 ± 0,06	<0,05
DT, мс	210± 24,6	165,2 ±31,4	<0,05
IVRT, мс	112,5 ±8,3	98,6±4,3	<0,05

Олинган натижалардан кўришиб турибдики энг катта ўзгаришлар буйрак дисфункцияси мавжуд бўлган беморларда кузатилди: ОДЎ ва ОСЎ ишонarli ошганлиги - 8,5% (P<0,05) ва 23,7% (P<0,001) мос равишда аниқланди ва юрак геометрик кўрсаткичларидан ИСd, ИСs ва МСларни яққол ўзгариши кузатилди. Жумладан КФТ<60 мл/мин/1,73 м² бўлган беморларда КФТ≥60 мл/мин/1,73м² бўлган беморлар билан солиштирганда чап қоринча отиш фракцияси 14,6%га пасайган (P<0,05), шунингдек ИСd, ИСs индекслари 4,3% (P<0,05) ва 4,2% (P<0,05)га ошган, миокард ички босими кўрсаткичи - МС 11,3%га ошганлиги кузатилди.

Диастолик функцияни баҳолаш шуни кўрсатадики СЮЕли беморларда

И
з
о
в
о
л
ю
м
е
т
р

Демак, буйрак дисфункцияси бўлган СЮЕли беморларда эрта тўлишиш жараёнларининг бузилиши натижасида юрак диастолик функциясининг

бузилиши яккол ифодаланган бўлади.

АДАБИЁТЛАР

1. Аликулов, И. Т., Хайтимбетов, Ж. Ш., Нарзиев, Н. М. (2023). Myocardial infarction: patogenesis, signs and symptoms, diagnosis.
2. Аликулов, И. Т., Хайтимбетов, Ж. Ш., Нарзиев, Н. М., Ботирова, Н. А. (2023). Изучение особенностей клинического течения заболевания у больных хронической сердечной недостаточностью с дисфункцией почек. *Journal of new century innovations*, 21(2), 185-189.
3. Аликулов, И. Т., Хайтимбетов, Ж. Ш., Нарзиев, Н. М., Ботирова, Н. (2023). Буйраклар дисфункцияси бор сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда касалликнинг клиник кечиши.
4. Жураев, Б., Гулиев, Х. Т., Аликулов, И. Т. (2019). Изучение факторов риска сердечно-сосудистых заболеваний у больных гипертонической болезнью с цереброваскулярными нарушениями. *Евразийский кардиологический журнал*, (S1), 105.
5. Камилова, У. К., Аликулов, И. Т. (2014). Оценка показателей дисфункции почек у больных с хронической сердечной недостаточностью. *Кардиоваскулярная терапия и профилактика*, 13(2), 51-54.
6. Мирахмедова, Х. Т., Нигина, Б., Нарзиев, Н. М., Аликулов, И. Т. (2023). General Examination of the Patient (General Condition of the Patient, Consciousness, Position, Physique), Examination by Parts of the Body: Head, Face, Neck, Limbs, Skin Integuments.
7. Худайберганава, Н. Х., & Ахмедова, И. М. (2023). Клинико–биохимические особенности внежелудочных проявлений helicobacter pylori ассоциированной гастродуоденальной патологии у детей.
8. Худайберганава, Н. Х., Азадаева, К. Э., Аликулов, И. Т. (2023). Determination of Nutrition-Dependent Micronutrient Deficiencies Among School-Age Children.
9. Худайберганава, Н. Х., Азимова, М. М., & Талипов, Р. М. (2023). Formation of Iron Deficiency Anemia in Children with Chronic Gastroduodenitis of Helicobacteriosis Etiology.
10. Худайберганава, Н. Х., Аликулов, И. Т. (2023). Helicobacter Pylorosis in Children: Features of Diagnosis and Treatment. *European Science Methodical Journal*, 1(9), 23-28
11. Худайберганава, Н. Х., Рахматуллаева, Г. К., Аликулов, И. Т. (2023). Инфекция helicobacter pylori и принципы терапии у детей.